

Шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланди




Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар, шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида сиёсий мулоқот, парламентлараро, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган Амалий ҳаракатлар режаси;
- Икки томонлама ташқи иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш тўғрисида битим;
- Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳудудларида савдо уйлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида битим;
- Илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича Амалий чора-тадбирлар режаси;
- Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатга олиш тўғрисида битим имзоланди.

Шунингдек, электр энергетикаси, божхона иши, ветеринария ва чорвачилик, кинематография ва бошқа йўналишлар юзасидан келишувларга эришилди.



Манба